Қурбон Содикович РАХМАНОВ
Ўзбекистон халқаро ислом академияси "Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари" кафедраси мудири, т.ф.н., доцент

Актам Хотамович ХОЛОВ
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси "Бошқарувда ахборот-коммуникация технологиялари" кафедраси мудири, PhD

Мақсуд Отабоевич ЭРЖАНОВ
фрилансер

"МАҲАЛЛА" МОБИЛ ИЛОВАСИ – МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ КЎМАКЧИСИ

МОБИЛЬНОЕ ПРИЛОЖЕНИЕ "МАХАЛЛА" – ПОМОЩНИК ПРЕДСЕДАТЕЛЕЙ МАХАЛЛИ

MOBILE APPLICATION "MAHALLA" - ASSISTANT TO THE CHAIRMEN OF THE MAHALLA

Ушбу мақола маҳалла раислари иш жараёнини автоматлаштириш жараёнларини амалга ошириши бўйича ишлаб чиқилган маҳалла мобил иловасини функционал имкониятларини ёритишга бағишланган. Мақолада мобил иловада яратилган роллар, уларнинг функционал имкониятлари ва амалга оширадиган вазифалари ёритилган. Шунингдек, мақолада вилоят ходими роли, унинг имкониятлари ва уларни мурожаатлар билан ишлаш жараёнларига батафсил тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: *фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла, рол, ахборот тизими, фуқаро, маҳалла раиси, туман ходими, вилоят ходими, мурожаат, веб-сервер, автоматлаштирилган ишчи ўрни, мобил илова, веб интерфейс, статистика.*

Данная статья посвящена освещению функциональных возможностей мобилного приложения "Махалла", предназначенного для автоматизации деятельности председателей махалли. В статье подробно описаны роли, создаваемые при разработке приложении, функциональные возможности и задачи, которые выполняются на данном этапе. В статье подробно рассматривается роль регионального сотрудника, его возможности и порядок работы с обращениями.

Ключевые слова: *органы самоуправления граждан, махалля, роль, информационная система, гражданин, председатель микрорайона, районный сотрудник, региональный сотрудник, обращение, веб-сервер, автоматизированные рабочие места, мобильное приложение, веб интерфейс, статистика.*

This article is devoted to highlighting the functionality of the mobile application Mahalla, designed to automate to the chairmen of the Mahalla. The article describes in detail the roles created in the development of mobile application, their functionality and the tasks they perform. The article also discusses in detail the role of an employee of the region, his capabilities and the procedure for working with appeals.

Keywords: *citizens' self-government bodies, mahalla, role, information system, citizen, micro district chairman, district employee, regional employee, appeal, web server, workstation, mobile application, web interface, statistics.*

Кириш

Ҳозирги вақтда ахборот-коммуникация технологиялари жадаллик билан ривожланиб бораётган вақтда ҳар бир соҳа вакиллари ундан самарали фойдаланиш йўлларини изламоқдалар. Бундан барча соҳа бўлгани каби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳалла ҳам мустасно эмас.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги "Маҳалла ва оила" илмий-тадқиқот институти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 10-июндаги 367-сон қарорига[1] мувофиқ ташкил этилди. Қарорда "Маҳалла ва оила" илмий-тадқиқот институтига маҳалла ва оила институтларини мустаҳкамлашга кўмаклашувчи, фуқаролар йиғинларини аҳолининг чинакам маслакдошига айлантириш ва «Соғлом оила — соғлом жамият» ғоясини ҳаётга татбиқ этиш ишларини илмий-услубий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш фаолиятини амалга оширувчи ихтисослаштирилган давлат илмий-тадқиқот муассасаси деб таъриф берилган.

Шунингдек, қарорда "Маҳалла ва оила" илмий-тадқиқот институтини олдига бир қатор устувор вазифалар қўйилган [1-2]. Жумладан,

[1] https://lex.uz/docs/4850317

– олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот муассасалари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш соҳасида инновацияларни жорий этишга йўналтирилган чора-тадбирларни ҳамкорликда амалга ошириш;

– Институтнинг асосий вазифа ва функциялари билан боғлиқ йўналишларда илмий конференциялар, семинарлар, ҳамкорликдаги тадқиқотлар, лойиҳалар, ходимларнинг тажриба алмашиши ва уларни ўқитиш бўйича халқаро, хорижий илмий-тадқиқот муассасалари, институтлар ва марказлар билан ҳамкорликни ривожлантириш;

– хорижий мамлакатларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими ҳамда оилаларни мустаҳкамлаш соҳаларида фаолият юритаётган миллий институтлари билан яқин ва фаол ҳамкорликни амалга ошириш;

– илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари билан биргаликда фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этиш;

– ўз фаолияти, шу жумладан амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари натижалари тўғрисидаги материалларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш каби долзарб вазифалар қўйилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Юқорида келтирилган вазифаларни амалга ошириш доирасида Институт томонидан бир қатор фундаментал, амалий ва хўжалик шартномалари олиб борилмоқда.

Шундай лойиҳалардан бири “JHBL-12-сонли “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жорий ҳолати ва меъёрий-ташкилий базасини мустаҳкамлаш ҳамда унинг электрон хизматлар кўламини кенгайтириш йўллари” лойиҳаси саналади. Ушбу лойиҳа доирасида “Маҳалла” мобил иловаси ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилмоқда[2].



Мобил иловани Play market даги кўриниши

Маълумки, ҳар бир фуқаро маҳаллада истиқомат қилади. Демак, ҳар бир фуқаро ўз маҳалласида бўлаётган воқеаларга бефарқ бўлмаса ёки маҳалласини гуллаб яшнашига ҳисса қўшса демак, у ҳам давлатнини ривожланишига ҳисса қўшган саналади. Маълумки, Ўзбекистонда 9155 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд ва уларга маҳалла раислари ҳар беш йилда бир марта сайлов асосида сайланади.

Ҳар бир маҳалла раиси эса ўз маҳалласи бўйича бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни билиши билан бирга ундан ўз маҳалласининг ижтимоий-иқтисодий “ўсиш нуқта”ларини ишлаб чиқиш талаб этилади. Бу эса маҳалла раисидан жуда катта меҳнат ва вақт талаб этади. Шунинг учун, улар учун қулай бўлган дастурий таъминотни ишлаб чиқиш долзарб саналади.

Демак, юқоридаги долзарбликдан келиб чиққан ҳолда маҳалла мобил иловаси ишлаб чиқилди. “Маҳалла” мобил иловасини ишлаб чиқишда қуйидаги учта ахборот тизими бир-бирига рақамли интеграция қилган ҳолда амалга оширилган [3-7]:

-“Маҳалла” ахборот тизими веб-сайти (мурожаатлар билан ишлаш ва маълумот алмашиш учун - mobile.moiti.uz);

-Маҳалла мобил иловаси (android) [8-9];

- веб-сайт ва мобил иловани боғловчи API (Application programming interface) [10-11].

Маҳалла раисларини ўз маҳалласидаги фуқаролари билан мулоқотни самарали олиб боришлари учун эса Маҳалла мобил иловаси ёрдам беради.


[2] https://play.google.com/store/apps/details?id=uz.mahalla.app

Маҳалла мобил иловаси қуйидаги турдаги фойдаланувчилар учун роллар ишлаб чиқилган:

– фуқаро;
– маҳалла раиси;
– туман ходими;
– вилоят ходими;
– республика ходими.


Ҳар бир фойдаланувчи Play market[3] орқали Mahalla мобил иловасини юклаб олиши мумкин. Одатда ҳар бир фуқарога рўйхатдан ўтишда фуқаро роли берилади. Мобил иловани ўрнатишда албатта реал вақт режимида ишлайдиган ўз мобил телефон рақамини киритиши шарт. Мобил иловани ўрнатишда уни телефонига келиб тушган тасдиқлаш кодини киритиш орқали таъминланади. Қуйида мобил иловадан фойдаланувчи ҳар бир рол интерфейсларини кўриб чиқамиз.

Фуқаро роли




Мобил иловани телефондаги кўриниши | **Мобил иловадан рўйхатдан ўтгандаги кўриниши** | **Фуқарони мурожаатлар билан ишлаш ойнаси**

Юқоридаги расмларда мобил иловани оддий фуқаро бўлиб рўйхатдан ўтгандаги кўринишлари келтирилган.



Фойдаланувчи профили | **Хат иконкасини босган ҳолда мурожат юбориш** | **Мурожаатни киритиш ойнаси**

Мобил иловада ихтиёрий фуқаро маҳалла раисларига мурожаат йўллаши мумкин. Иловада алоҳида назарда тутилганки, фуқаро нафақат ўз маҳалла раисига балки республикамиздаги ихтиёрий маҳалла раисига ҳам мурожаат йўллаши мумкин. Шунинг учун, мурожаатни ихтиёрий маҳалла раисига йўллаш имкони бўлганлиги учун мобил иловадан фойдаланишда телефонга келган СМС орқали рўйхатдан ўтишни тасдиқлаш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва фуқаролардан мурожаат йўллашларида жавобгарликни оширади.



Ҳудудни ўзгартириш ойнаси | **Мурожаатлар ойнаси** | **Фуқаро фурожаатлари ҳолати**

Ҳар бир фуқаро ўз профил маълумотларини ўзгартириши, мурожаатлар статуси ва

[3] https://play.google.com/store/apps/details?id=uz.mahalla.app

статистикасини кузатиб бориши мумкин. Фуқаро ўз мурожаати ҳолатини кузатиб бориши имконига эга бўлади. Ўз навбатида ҳар бир маҳалла раиси эса ўз маҳалласи бўйича келиб тушаётган мурожаатларни кузатиб боради ва уларга жавоб бериб боради.

Маҳалла раиси роли


Энди мана шу фойдаланувчини ролини маҳалла раиси ролига ўзгартирамиз. Ролларни ўзгартиришни фақатгина руспублика, вилоят ходими ва туман ходими ўзларига тегишли бўлган ҳудудлардаги фойдаланувчиларнигина ролини ўзгартириши ва фойдаланувчиларни руйхатдан ўтказишлари мумкин.

Мобил иловадаги роллар ва улар орасидаги боғлиқлик

Маҳалла раисида мурожаатлар рўйхати қуйидаги ҳолатда бўлади (бу рўйхат маълумотлари ролга мос равишда ўзгариб туради):


– барча мурожаатлар;
– жараёндаги мурожаатлар;
– ҳал этилган мурожаатлар;
– рад этилган мурожаатлар;
– мурожаатлар статистикаси.

Албатта мурожаатларни олдида уларнинг сони кўрсатилади.




Раисга келган мурожаатлар | **Мурожаат ҳолати** | **Мурожаатга жавоб бериш**

Расмдан кўриниб турибдики, мурожаатларга жавоб беришда икки хил йўл танланади, яъни мурожаатни қабул қилиб, яъни ижобий ва рад этиб салбий жавоб бериш мумкин. Бунинг натижасида автоматик равишда мурожаатлар ҳолати тўғрисидаги маълумотлар ўзгариб боради.



Мурожаатга жавоб бериш | **Мурожаатлар ҳолати** | **Мурожаатлар статистикаси**

Маҳалла раиси томонидан мурожаатларга жавоб бериш асносида мурожаатларни статуси автоматик равишда ўзгариб боради. Мурожаатларга маҳалла раиси, туман ходими ёки вилоят ходими томонидан жавоб берилганидан сўнг фуқаро ролида нима ўзгаришлар бўлиди? Фуқаро роли билан унинг иловасида нималар ўзгаришини текшириб кўрамиз.




Барча мурожаатлар ҳолати | **Ҳал этилган мурожаатлар** | **Рад этилган мурожаатлар**

Демак, мурожаат берилган вақти тўғрисида мурожаатга қачон жавоб берилганлиги (сана ва вақти) ва унинг статуси (ижобий ва салбий) кўринишда бўлади.

Туман ходими роли

Энди шу маҳалла раиси фойдаланувчиси ролини туман ходими ролига ўзгартирамиз.




Туман бўйича мурожаатлар ҳолати | **Мурожаатлар статуси** | **Туман бўйича мурожаатлар статистикаси**

Кўришимиз мумкинки, туман ходими мурожаатлар билан ишлашда ўз туманига тегишли бўлган барча мурожжатлар ҳолатини кўради ва уларни маҳаллалар кесимидаги статистикасини кўриш имконига эга бўлади. Туман ходими туман миқёсида келган мурожаатларга жавоб бериши ҳам мумкин.

Вилоят ходими роли


Энди шу туман ходими фойдаланувчиси ролини вилоят ходими ролига ўзгартирамиз. Ролларни ўзгартириш маҳалла мобил иловасининг Интернет тармоғидаги домени mobile.moiti.uz[4] - веб-сервери сайти орқали амалга оширилади.



Вилоят бўйича мурожаатлар ҳолати | **Мурожаатлар статуси** | **Вилоят бўйича мурожаатлар статистикаси**

Республика ходими роли

Энди вилоят ходими фойдаланувчини ролини республика ходими ролига ўзгартирамиз.



Республика бўйича мурожаатлар ҳолати | **Мурожаатлар статуси** | **Республика бўйича мурожаатлар статистикаси**

Маҳалла мобил иловасининг афзалликлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

– тизим реал вақт режимида маҳалладаги муаммо ва камчиликларни бевосита фуқаролар ёрдамида аниқлашга имкон беради;

– ортиқча вақт ва маблағ сарфини камайтиради ҳамда фуқароларнинг давлатга бўлган ишончини орттиради;


муаммо ва камчиликлар электрон тарзда тегишли раҳбарлар назорати остида бўлади;

– тизим муаммо ва камчиликларни маҳалла, туман ва вилоят кесимида таҳлил қилади, уларни кўламини аниқлаб беради;

[4] http://mobile.moiti.uz – Маҳалла моил иловаси веб-сервери.

– маҳалла раисини фаолиятини кузатиб бориш имкони туғилади.

Албатта, мобил иловани амалга ошириш уни ишга тушириш катта меҳнат ва вақт талаб этади. Уни амалга ошириш учун барча фойдаланувичлар учун тушунтириш ишлари олиб борилиши лозим.



Маҳалла мобил иловасининг умумий ишлаш схемаси

ХУЛОСА

Маҳалла мобил иловаси ҳозирги вақтда тестлаш жараёнида бўлиб, ундан фойдаланиш бўйича видео ва матнли қўлланмалар ишлаб чиқилмоқда.

Мобил иловани амалга ошириш давомида келиб тушадиган таклифлар ва эътирозлар ўрганилади ва мобил илова такомиллаштирилиб борилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маҳалла раисларини амалга ошираётган ишлар кўламини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Мобил илова орқали ҳеч бўлмаганда келаётган мурожаатларни бошқариш имконияти туғилади. Бу эса юқоридаги ташкилотларда (туман, вилоят, республика) ҳар бир маҳалла раисига келиб тушаётган мурожаатлар ва улар жавоб бериш асносида уларни фаолият доиралари баҳолаб бориш мумкин бўлади.

Шунингдек, келажакда мобил иловани такомиллаштирган ҳолда унинг телеграм ботини ҳам ишлаб чиқиш режалаштирилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4602-сонли Қарори. https://lex.uz/docs/4740335.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июндаги “Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 367-сонли қарори. https://lex.uz/docs/4850317.
3. Рахманов Қ.С., Махманов Б.Қ., Махманов О.Қ. Профессор-ўқитувчилар шахсий иш режаси мониторингини юритиш модулининг ўрни. “Информатика ва энергетика муаммолари” Ўзбекистон журнали. Тошкент – 2020. ISSN 2010-7242. №2. С. 104-113.
4. Rakhmanov, K.S., Makhmanov, B.K. (2020). The Role of the Model of Evaluation System of Civil Servants’ Professional Activities in Public Administration. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 257-267.
5. Рахманов Қ.С. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини автоматлаштириш - замон талаби. // “Иқтисодиёт тармоқларининг инновацион ривожланишида ахборот–коммуникация технологияларининг аҳамияти” мавзусига бағишланган республика илмий-техник анжуманинг маърузалар тўплами. 2-қисм. Тошкент, 2021 4-5 март. 430-432 б.
6. Рахманов Қ.С. Давлат бошқаруви ва иқтисодиётини рақамлаштиришдаги муаммо ва ечимлар // “Давлат бошқаруви ва иқтисодиётни рақамлаштиришнинг устувор йўналишлари” мавзуидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари // Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси. Тошкент 2020 й. 15 май. 105-109 б.
7. Kurbon Rakhmanov, Botir Makhmanov, Orif Makhmanov. Efficiency and Performance Assessment Methodology for Professional Activities of Civil Servants on Implementing Control Functions. International conference. ICPPMS – 2021 Scopus & Web of Science indexed. Tashkent. June, 10-11, 2021.
8. Грифитс, Грифитс: Head First. Программирование для Android. Питер, 2018 г. ISBN: 978-5-4461-0708-7. С. 912.
9. Herbert Schildt. Java: A Beginner’s Guide, Sixth Edition 6th Edition. ISBN: 978-0-07-180926-9 MHID: 0-07-180926-0. 478 page.
10. https://openlibrary.org/dev/docs/api/books
11. https://developers.google.com/books?hl=ru